

## Байрам талабалар талқинида

Яқинлашиб келаётган янги йил байрами шукуҳи Республикализнинг барча жойларидаги тайёргарлик ишлари тадбирларда ўз аксини топмоқда. Бизнинг институтимизда ҳам байрамга тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, мутлақо янги ташаббус, ёндашув асосида, талабаларнинг хоҳиш ва истакларига кўра «Янги йил байрами талабалар талқинида» номли Янги йил байрам карнавали ташкил этилди. Янги йил карнавали институт раҳбарияти ва институт касаба уюшмаси қўмитаси ҳомийлиги асосида Ёшлар иттифоқи институт бошланғич ташкилоти томонидан ўтказилди. Байрам дастурхони безатилди. Байрам шукуҳи акс этган барча керакли шарт-шароитлар яратиб берилди.

Кизиқарли ўйинлар, викториналар ўтказилиб, мусиқали чиқишлиар намойиш этилди. Иштирок этган ҳар бир талаба байрам кайфияти ва ҳурсандчиликни ҳис этди дея ишонч билан айта оламиз. Янги йил карновалини ўтказишда яқиндан ёрдам берган институтимиз ректорига, ёшлар билан ишлаш бўйича проректорига, институт касаба уюшмаси қўмитаси раисига, институт бош ҳисобчисига, маданият саройи бошлиғига талабалар ва ёшлар номидан катта миннатдорчилик билдирамиз. Шунингдек, ташкилий ишларда фаол бўлган, эртаю-кеч меҳнат қилган институт бошланғич ташкилоти жамоаси ва бир гуруҳ талабаларга ҳам катта раҳмат айтамиз. Иштирок этган талабаларимизни янада фаол бўлишини сўраймиз. Барчангизга яқинлашиб келаётган янги йил омадли келсин. Оиласиздан тинчлик-хотиржамлик, баҳт-соғлик асло кетмасин.



**Ёшлар иттифоқи институт бошланғич ташкилоти етакчиси ахбороти**

**Институт Матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**